

## ТИЛШУНОСЛИКДА ТУРИЗМ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Назарова Ирода Рахмонқул қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти

**Аннотасия.** Ушбу мақолада туризм терминларининг олимлар томонидан тадқиқ қилиши хусусида сўз боради. мазкур мақола мавзусига доир илмий ва расмий адабиётлар таҳлил қилиниб мавжуд муаммо юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилади.

**Калит сўзлар:** *Туризм, терминология, тилшунослик, соҳа терминлари.*

**Annotation.** *This article will talk about the research of tourism terms by scientists. scientific and official literature on the topic of this article will be analyzed and suggestions and recommendations will be made on the existing problem.*

**Keywords:** *tourism, terminology, linguistics, field terms.*

### КИРИШ

Инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ягона терминологик бирликлар базасини яратиш ҳамда уни тартибга солиш асосий муаммолардан биридир. Терминлар ва фразеологик бирикмаларнинг тўғри талқин қилиниши корпус лингвистикаси назариянинг асосини ташкил этади. Шунингдек, соҳага хос терминологик луғатларни тузиш муаммоси замонавий амалий тилшуносликда долзарб масалалардан биридир. Маълумки, бир неча ўн йиллар давомида соҳа терминологиясини шакллантириш масаласи етакчи маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарларида ҳамда илмий тадқиқотларида кенг муҳокама қилинди. Аниқланишича, терминологиянинг шаклланиши ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ, чунки махсус соҳадаги ҳар қандай янги концепция термин билан изоҳланиши керак.[1] Чунки, ҳар бир соҳада ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда замонавий тушунчалар билан асосланиши ҳамда изоҳланиши керак. Шу жумладан, турли тилларга мансуб терминологик тизимларни ўрганишга қаратилган эътибор шундан далолатдир.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, терминология - маълум бир соҳа, фаолият, билимларни чуқурлаштириш учун атамалар тўпламидир. В.М.Лейчикнинг фикрига кўра, “терминология тилшуносликда марказий ўринни эгаллайдиган, ҳозирги даврда адабий тилнинг функционал хилма-хиллиги сифатида тан олинган фан тили, луғатининг семантик ядросидир”[2] - дея таъриф беради. Шу жумладан,

Л.Виноградова касбий лексема билан терминлар ўзаро боғлиқ бўлса-да, бироқ қўлланилиш соҳаси жиҳатдан фарқ қилишини айтади: терминларга “расмийлик”, касбий лексема норасмий муносабатларда фойдаланилгани учун “норасмийлик” мақомини беради.[3] Терминологиянинг келажаги фан ва техника тилини такомиллаштиришга онгли ёндашиш имкониятини яратиш учун терминологик жараёнлар ва ҳодисаларни тавсифлашдан уларни тушунтиришга ўтиш зарурати билан белгиланади. Ҳозирда ҳар қандай тилнинг сўз бойликларининг кўп қисмини ташкил этадиган терминологик луғат, келажакда инсон ҳаётида тобора муҳим рол ўйнайди. Терминологияни билиш кўплаб касб эгалари - тилшунослар, таржимонлар, муҳаррирлар, ўқитувчилар, соҳа мутахассислари учун аллақачон зарурдир. Терминларни таржима қилиш ва соҳага хос терминологик луғатларни тузиш муаммоси замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

### **НАТИЖАЛАР**

Сўнгги ўн йил ичида бу масала дунё олимлари томонидан фаол муҳокама этилиб, соҳа терминологиясини ривожлантириш борасида амалий тажрибалар олиб борилди. Амалий тажриба жараёнида тематик жиҳатдан гуруҳларга ажратилган терминлар халқаро ва умуммиллий атамалар тоифасига ажратилди. Шу жумладан, ривожланган соҳа тармоқларида вақт ўтиши билан янги замонавий атамалар вужудга келди ва соҳа ривожини билан бирга оммалашди. Натижада ўзлашган терминларни қўлланилишига кўра хатоликлар юзага келди. Шу нуқтаий назардан луғатшунослик илмини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

1968 йилда замонавий терминология асосчиларидан бири, тадқиқотчи Д.С.Лотте шундай ёзган эди: “... Ҳозирги вақтда кўплаб фан ва технология соҳаларида терминологияни амалий тартиблаштиришга қизиқиш сезиларли даражада ортмоқда, аммо бу жуда катта хавф, чунки ушбу масала соҳа терминологиясини тартиблашда мавжуд атамалар ўрнига замонавий муқобил халқаро терминни қабул қилишда соҳа доирасида оммабоплигидан қатъий назар, илмий асослашни талаб этади. Ҳар бир атама илмий тушунчаларни изоҳлашда ҳамда аниқлик ҳосил қилишда мукамал восита бўлиб хизмат қилиши керак”[4] - дея бежиз таъкидламайди. Бугунги кунда, ярим асрдан кўп вақт ўтган бўлса-да, ушбу баёнот долзарб бўлиб қолмоқда. Илмий изланишда муҳим рол ўйнайдиган, маълумот олиш, тўплаш ва сақлаш манбаи воситаси бўлган терминология ҳар қандай соҳанинг ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга. Шунингдек, илмий асосли терминологиясиз, ҳар қандай фан ёки билим соҳаси муваффақиятли ривожланиши мумкин эмас.

Цивилизация ривожланишининг натижасида тарихдаги фактларни аниқлаш ва уни шакллантириш воситаларидан бири бу-корпус лингвистикаси

лексик -бирликлар тўпламини онгли равишда тартибга солишни тақозо этди. Маълумки, тилнинг ривожланиши халқнинг моддий ва маънавий маданияти ҳамда тарихи ўртасидаги боғлиқлик луғат таркибида акс этади. Ҳозирги кунда илмий-техник билимларнинг жадал ўсиб бориши замонавий тилларда пайдо бўлган янги сўзларнинг 90% дан ортиғи махсус луғат эканлигидан далолат беради[5]. Халқаро алоқаларнинг кенг тарқалиши, маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайиши, инсонларнинг дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш учун бир давлатдан иккинчи давлатга қилган сафари туризм соҳаси терминологияси пайдо бўлишига асос бўлди, дея айтиш мумкин.

Бугунги кунда замонавий туризм терминологияси тез ривожланаётган, аммо Ўзбекистон учун етарлича ўрганилмаган муҳим тадқиқот объектидир. Бу эса олиб борилган таҳлилларнинг юқорида келтирилган фактларга тегишлилигидадир. Туризм терминологиясига оид атамалар билан белгиланадиган тушунчалар доираси биринчи навбатда инсон билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда инсон билан боғлиқ бўлган барча ҳодисаларга (айниқса, унинг дам олиш вақтидаги эҳтиёжларига) қизиқиш кучаймоқда, бу тилда, шу жумладан, туристик терминологияда ҳам ўз аксини топади. Бинобарин, туристик атамашуносликни яратишда иштирок этган энг самарали сўз ҳосил қилиш усуллари ва моделларини аниқлаш ушбу билимлар тармоғининг янада ривожланишини талаб этади.

Тарихий манбаларга асосланадиган бўлсак, туризм XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ва, аynиқса, XXI асрнинг бошларида кенг ривожланди ва таракқий эта бошлади. Бу давр давлатлараро ўзаро иқтисодий ижтимоий воқеалар билан бирга рўй берди. К.С.Гаджиевнинг сўзларига кўра: "... энди сайёра миқёсидаги янги турдаги жаҳон ҳамжамиятининг шаклланиш босқичи бошланмоқда. Бу бизнинг авлодимиз туғилиб ўсган жамиятдан, худди шу (ва эҳтимол ундан ҳам кўпроқ) даражада, замонавий саноат, ижтимоий ва сиёсий инқилоблардан олдин мавжуд бўлган жамиятдан фарқ қилади".[6] Замонавий туризм рентабеллиги бўйича нефт-газ саноати ва автомобилсозлик саноати ривожланиши билан ҳам боғлаш мумкин. Глобаллашув жараёни ва технологияларнинг жадал ривожланиши тилда акс этирилиши мумкин эмас эди ва ўзгарган ижтимоий муносабатлар ҳамда янги маҳсулотлар, хизматларнинг пайдо бўлиши янги номларни талаб қилди. Тил аста-секинлик билан ривожланади ва бошқа тилдаги сўзларни қабул қилади ёки эски сўзлардан фойдалана бошлайди. Тил, унинг сўз бойлиги, атрофимиздаги дунё каби тез ўзгариб, "неологизмлар" - янги сўзлар ва сўзларнинг янги маъноларини келтириб чиқаради. Ҳар бир тил этник тарихидан келиб чиқиб янги атамаларни ўзига хос тарзда қабул қилади. Агар ўзбек тили

тарихига назар ташласак, замонавий тилда кузатилган кўплаб жараёнлар илгари бир неча бор содир бўлганлигини кўрамиз. Бу жараён маданият коммуникация тармоқларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Бунда, маданият ўзаро коммуникация тармоқлари тил тизимида чорраҳа вазифасини ўтайди. Натижада, неологизмлар, интеграцион жараён ҳосиласида юзага келган гибрид сўзлар оммалашиб ҳар бир тил қатламини бойитиб боради. Тилшунос тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, туризмга оид ўзлашма сўзларнинг қабул қилиш жараёнини қуйидагича таснифлайди, рус тили, герман тиллари ва лотин тилидан (прото-славян даври), юнон тилидан, сўнгра қадимги черков славян тилидан (христианлаштириш даври), туркий тиллардан (бутун давомида) сўз бойликларини ўзлаштирди, поляк (XVI – XVIII асрлар), голланд (XVII аср), немис ва француз (XVIII – XIX асрлар) инглиз (XX - XXI аср) бошларига тўғри келади[7]. Кўпинча, тил оғзаки ва ёзма шаклда ишлатилганлиги сабабли аста-секин илдиз отади, унинг графикаси таниш кўринишга эга бўлади ва ўзлашган сўзлар тилининг меъёрларига мослаштирилади. Туризм соҳаси ҳам глобаллашувнинг ўзгарувчан таъсирини бошдан кечириб, замонавий тенденциялари шаклланмоқда. Туризмнинг тарихий ривожланиши ва сайёравий глобаллашув жараёнлари тил этимологиясига таъсир қилиб, халқаро туризм терминологияси инглиз тили асосида туб ўзгаришларга учрамоқда. Туризм-тижорат хизматларидан фойдаланишда дам олиш, ва завқ олиш учун уйдан ташқарида вақт ўтказиш ҳаракати ва жараёнидир. Яъни, туризм XVII-асрда Ғарбий Европадан бошланган замонавий ижтимоий тузилмалар маҳсули бўлсада, у классик антик даврлардан ҳам илгари бор эди[8]. Манбаларда 1815-йилда Франция-Англия ўртасида махсус туризм турлари ташкил қилинганлиги ёритилган. Туризм сўзи ҳам французча “тоур” сўзидан олинган бўлиб, сайр-саёҳат маъносини англатади. Термин қуйидаги маъноларда қўлланади: “Туризм (fr.tourisme tour – айланиш, сайр (саёҳат қилиш). Ҳам дунёни кўриш, билиш, ҳам ўрганиш мақсадида ташкил этиладиган сайр-саёҳатдир. Организмни жисмоний чиниқтириш мақсадида уюштирилладиган жамоавий юришлар, сафарлар демак[10]. Бу ҳақда турли қарашлар мавжуд.

Халқаро туризм замонавий ҳаёт феномени сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида эволюция натижасида юзага келди[9]. Жамоатчилик билан алоқалар, оммавий онг, транспортнинг техник воситаларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва халқаро валюта муносабатлари ва бошқа омиллар таъсирида халқаро туризм кундалик ҳаётнинг оммавий ҳодисасига айланди. Халқаро туризм бу - иқтисодий категория. Бу муҳим инновацион салоҳиятни ўз ичига олган ва замонавий одамларнинг турли хил дам олиш

эҳтиёжларини қондириш йўли билан ривожланаётган дунё иқтисодиётининг шаклланаётган тармоқ мажмуасидир, уни амалга ошириш шакли рекреацион мақсадлар учун давлат чегарасидан ўтиб боради. Турли хил дам олиш шароитида инсон эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракатланишидадир. Туризмни ўрганиш билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланган, улар орасида миллий туризм мактабининг асосчиси В.А.Кварталнов[11], таниқли маҳаллий олимлар В.Г.Гуляев[12], Е.Н.Ильина[13], В.М.Козырев[14], Д.В.Николаенко[15], Н.С.Мироненко[16], А.Ю.Александрова[17], В.С.Сенин[18] ва бошқалар мисол келтиришимиз мумкин. Туризм ва меҳмондўстлик саноатининг ривожланиш муаммоларини ўрганишга катта ҳисса қўшган чет эл муаллифлари қаторига Ф.Котлер[20], Ж.Уокер[21], Х.Инграм, С.Медлик[22] ва бошқаларни қўшишимиз мумкин.

### ХУЛОСА

Бугунги кунда туризм фаолиятига ҳар хил таърифлар берилган. Демак, туризм деганда, одамларнинг доимий яшаш жойидан ўз мамлакатлари ҳудудида жойлашган бошқа давлатга ёки маҳаллий ҳудудга, бўш вақтларида кўнгил очиш ва дам олиш учун, шунингдек, кўнгилочар, меҳмон, таълим ёки касбий мақсадлар учун вақтинча ҳаракатланиши тушунилиши мумкин. Бу энг кенг тарқалган таъриф. Шу билан бирга, туризмни турли хил хизматларга бўлган инсон эҳтиёжларини қондиришнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблаш мумкин. Шу жиҳатдан, туризмни одатдаги муҳитдан ташқарида саёҳат қилиш орқали янги тажрибаларни олишда инсон эҳтиёжларини қондириш шакли деб тушуниш мумкин. Шу билан бирга, турли хил хизматлар турли хил дам олиш турлари - тиббий ва кўнгилочар, маданий, тарихий, экологик ва ҳ.к. Афсуски, халқаро туризмга берилган таърифлар ушбу жадал ривожланаётган ҳодисанинг мураккаб хусусиятини акс эттирмайди. Халқаро туризм жамият ривожланишидаги маълум бир босқични акс эттиради, бу шаҳар аҳолисининг кўпайиши, умр кўриш давомийлигининг ўсиши, ижтимоий бойлик ва фаровонликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши яхшиланиши ва технологик янгиликлар шулар жумласидан. Халқаро туризм маълум даражада инсон эволюциясининг маълум бир босқичини, аниқроғи, унинг туристик хилма-хилликда намоён бўладиган эҳтиёжларини акс эттиради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каребина О.П. Семантическая организация лингвистических и паралингвистических феноменов в текстах предметной области «туризм: автореф. дис. ... канд. филол. наук : М, 2008.
2. Лейчик Б.М. Термины и терминологические системы - регион, граничащий с естественным и искусственным языком // Вопросы терминологии и лингвистической статистики: Сб. научный Искусство Воронеж, 1981. - С. 68-115.
3. Д.С.Лотте Как работать над терминологией. М.: Наука, 1968. С.38.
4. Гринев-Гриневиц С.В. Терминология. - М. : Издательство «Академия», 2008. С.304.
5. Гаджиев К. С. Введение в геополитику: Учебник для студентов вузов, обучающихся по следующим спец. и направлениям: «Политология», «Междунар. отношения», «Юриспруденция», История», «Социология». - М.: Логос, 1998. - 415 стр.
6. Заимствованная лексика в сфере туризма. [Электронный ресурс] – Режим доступа <http://www.moluch.ru/archive/60/8878/>
7. Степанова М.Д. Лексикология современного немецкого языка: учебное пособие. — М.: Академия, 2003. 251 с.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж. – Б. 195.
9. Забелин Д.В.Международный туризм как составляющая сферы услуг России.автореф. дис. ...канд.филол.наук.2008.
- 10.В.А.Квартальнов. Туризм, экскурсии, обмены : Современ Практика. Рос. междунар. акад. туризма М. : Наука, 1993 . - 416 с.
- 11.Гуляев В. Г. Организация туристской деятельности : (Учеб. пособие) ; Моск. акад. экономики и права. - М. : Нолидж, 1996. – 311.
- 12.Е. Н. Ильина. Туризм - путешествия : Создание туристской фирмы; Агентский бизнес : Учеб. для турист. колледжей и вузов. Рос междунар. акад. туризма. - М., 1998. - 169 с.
- 13.В. М. Козырев Туристская рента. (Туристика : монографические исследования / Российская междунар. акад. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва : Логос, 2012. – 138.
- 14.В. Н. Николаенко, Л. Г. Скоробогатова. Туристско-рекреационное проектирование . “Туризм” для очной формы обучения /; Федеральное агентство ж.-д. трансп., Уральский гос. ун-т путей сообщ., Каф. "Упр. в

- социальных и экономических системах". - Екатеринбург : УрГУПС, 2015. - 156 с.
15. Мироненко Н. С., Эльдаров Э. М. Гуманитарные аспекты исследования рекреационных систем // Вестник МГУ. Сер. 5, геогр. №1. 1998. С. 22-27.
16. А. Ю. Александрова. Экономика и территориальная организация международного туризма : Турист. спрос : [Учеб. пособие] /; Моск. гос. ун-т им. М. В. Ломоносова, Геогр. фак. - М. : Изд-во Моск. ун-та, 1996. – 104с.
17. В.С. Сенин. Организация международного туризма : учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальности "Менеджмент" / - М. : Финансы и статистика, 2004 (ОАО Тип. Новости). – 397.
18. Ф. Котлер, Дж. Боуэн, Дж. Мейкенз. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм : учебник для студентов высших учебных заведений / [пер. с англ. В. Н. Егорова]. - Москва : ЮНИТИ, 2007.
19. Джон Р. Уокер ; пер. с англ. [В. Н. Егорова]. Введение в гостеприимство : учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям 10103 "Социально-культурный сервис и туризм", 10102 "Туризм" /. - Москва : ЮНИТИ, 2012.
20. Медлик С., Инграм Х. Гостиничный бизнес. М.: Юнити-Дана, 2012.